

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

СИДИКОВ АБДУЛАЗИЗ АБДУМАНОП ЎҒЛИ

**НАТРИЙ ХЛОРАТ, КАРБАМИД, НИТРАТ
МОНОЭТАНОЛАММОНИЙ, СУЛЬФАТ ВА НИТРАТ
ТРИЭТАНОЛАММОНИЙЛАР АСОСИДА САМАРАЛИ
ДЕФОЛИАНТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктор философии (PhD)

Contents of the abstract of dissertation doctor of philosophy

Сидиков Абдулазиз Абдуманоп ўғли

Натрий хлорат, карбамид, нитрат моноэтаноламмоний, сульфат ва нитрат триэтаноламмонийлар асосида самарали дефолиантлар олиш технологияси

3

Сидиков Абдулазиз Абдуманоп угли

Технология получения эффективных дефолиантов на основе хлората натрия, карбамида, нитрата моноэтаноламмония, сульфата и нитрата триэтаноламмония

21

Sidikov Abdulaziz Abdumanop ugli

Technology for obtaining effective defoliant based on sodium chlorate, urea, monoethanolammonium nitrate, triethanolammonium sulfate and nitrate

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

СИДИКОВ АБДУЛАЗИЗ АБДУМАНОП ЎҒЛИ

**НАТРИЙ ХЛОРАТ, КАРБАМИД, НИТРАТ
МОНОЭТАНОЛАММОНИЙ, СУЛЬФАТ ВА НИТРАТ
ТРИЭТАНОЛАММОНИЙЛАР АСОСИДА САМАРАЛИ
ДЕФОЛИАНТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Патентлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/12459, рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тоғашаров Аҳат Салимович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мирзақулов Холтўра Чориевич
техника фанлари доктори, профессор

Исабаев Зикрилла
кимё фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «27» январь 2022 йил соғт «10⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 - рақам билан рўйхатга олинган) Манзил 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2022 йил «13» январь кунин тарқатилди
(2022 йил «13» январьдаги 1 -рақамли рёсестр бвёспномаси)



Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С. Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Ш.С. Намазов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., проф. академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Дунёда кимёвий моддалардан оқилона фойдаланиш юқори сифатли ва самарали хосилдорликка эга қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда асосий омил хисобланади. Шу сабабдан, минерал ўғитлар, микроэлементли стимуляторлар ва дефолиантлар каби кимёвий моддалар қишлоқ хўжалигининг ажралмас бўлаги бўлиб келмоқда. Дефолиантларни пахтачиликда қўллаш орқали терим даври аввалроқ бошланиб, хосил қисқа муддатда сифатли йиғиб олинади. Бу ўринда самарали дефолиантлар ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга.

Жахонда қишлоқ хўжалиги экинларининг сифатини ва хосилдорлигини ошириш мақсадида, қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий ишлов беришда шунингдек, ғўза дефолиациясида ҳам физиологик фаол моддаларни қўллаш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, барглари суний йўл билан тўкиш эвазига ғўза қатор ораларида хаво айланиши яхшиланиб, совуқ об-ҳавога қадар пишиб етилган кўсакларнинг очилиш жараёнларини самарали жадаллаштириб, дала майдонларини терим учун тайёр холга келишига ва хосилнинг йиғим қўлами ошишига кўмаклашувчи, физиологик фаол ҳамда юқори самарадорликка эга янги дефолиантлар таркибини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш ва диверсификациялаш натижасида бир қатор инновацион технологияларни жорий этиш, экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотлар, шу жумладан, дефолиантлар, минерал ўғитлар ва уруғлик протектантлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш ва улар билан қишлоқ хўжалигини таъминлаш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан қишлоқ хўжалигида натрий хлорат, карбамид ва физиологик фаол моддалар асосида кам захарли, этилен хосил қилувчи физиологик фаоликка эга самарали дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси" Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25-октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 3-апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда органик ва ноорганик асосли қишлоқ хўжалик экинларининг дефолиантларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича маълум материаллар кенг ёритилган. Дефолиантларни ишлаб чиқиш муаммосининг асосий кимёвий ва физик-кимёвий жиҳатлари жаҳон олимлари Jayms Cost, Loston Rowe, J. Dan Smit, Ch.S. Wulyams, J.C. Suttle, F. R. H. Katterman, W.C. Hall, L.C. Brown, C.L. Rhyne, Yo Gan ва ноорганик моддалар кимёси ва технологияси бўйича ҳақиқий илмий мактабларни яратган республика олимлари: М.Н. Набиев, С. Тўхтаев, Б.М. Беглов, Б.С. Зокиров, Ш.С. Намозов, Х. Кучаров, А.У. Эркаев, С.М. Тожиев, З. Исабаев ва бошқалар томонидан ҳал этилган.

Дефолиация муаммосини ҳал қилишнинг биологик, агрокимёвий ва токсикологик жиҳатлари А.И. Имамалиев, А. Умаров, Т.С. Закиров, А.М. Пругалов, Н.Н. Мельников, Л.Д. Стонов, К.Е. Овчаров, Н.Ф. Зубкова, Ш.Ж. Тешаев, Ф.Ж. Тешаев, Т.И. Искандаров, Л.Х. Романов, Г.Т. Искандарова ва бошқа олимлар ишларида ёритилган.

Шуни қайд этиш лозимки, юқоридаги олимлар томонидан натрий хлорат, карбамид ва физиологик фаол моддалар асосида янги самарали дефолиантлар олиш технологияси бўйича тадқиқотлар ҳозирга қадар олиб борилмаган. Ушбу диссертация ишида физиологик фаолликка эга самарали таъсир кўрсатувчи дефолиантларни олиш ва уларни пахтачиликда кўсақларни пишиб етишини тезлаштириш ва терим вақтини қисқартириш учун қўллаш муаммоси ҳал қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-ФА-2017-7-2 «Ўза кўсақларини пишишини ва очилишини тезлаштирувчи, дефолиацияловчи, озиклантирувчи активликка эга бўлган, кўп функционал дефолиантни маҳаллий хом ашё асосида тажриба-саноатда ишлаб чиқариш» ва ПЗ-20170926386 «Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини пишиб етилишини тезлаштирувчи ва кўп

функцияли таъсир этувчи хлорат сақловчи дефолиантлар таркибини ва олиниш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзулардаги инновацион ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади натрий хлоратнинг монокарбамиди, сульфат триэтаноламмоний, нитрат кислотасининг моно ва триэтаноламмонийли тузлари асосида физиологик фаоликка эга янги самарали дефолиантларни синтез қилиш ва олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

натрий хлорат, карбамид, сульфат триэтаноламмоний, нитрат кислотасининг моно ва триэтаноламмонийли тузларидан ташкил топган сувли системаларнинг ўзаро эрувчанлиги ва эритмаларнинг реологик хоссаларини кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида ўрганиш;

янги қаттиқ фазаларни ҳосил бўлишининг ҳарорат ва концентрация оралиғини, таркибини аниқлаш, уларнинг мавжудлигини тасдиқлаш;

янги дефолиантлар олиш жараёнини асослаш учун, натрий хлорат, карбамид, сульфат триэтаноламмоний, нитрат кислотасининг моно ва триэтаноламмонийли тузлари асосидаги системаларнинг эрувчанлик ва «таркиб-хосса» диаграммаларини куриш;

натрий хлоратининг монокарбамиди, сульфат триэтаноламмоний, нитрат кислотасининг моно ва триэтаноламмонийли тузларидан фойдаланиб физиологик фаолликка эга дефолиантларнинг олиниш жараёнининг мақбул шароитларини аниқлаш;

янги дефолиантлар олиш жараёнининг моддий балансини тузиш, технологик схемасини таклиф этиб катталаштирилган лаборатория шараоитида тажриба намуналарини ишлаб чиқиш;

олинган дефолиантларни физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, уларни ўзанинг кичик ва катта дала майдонларида агрокимёвий синовлардан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида натрий хлорат, карбамид, сульфат триэтаноламмоний, нитрат кислотасининг моноэтаноламмоний ва триэтаноламмонийлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети натрий хлорат монокарбамиднинг сувли эритмасига сульфат триэтаноламмоний ҳамда нитрат моно ва триэтаноламмонийлар асосида олинган физиологик фаол моддаларни қўшиш ёрдамида янги самарали дефолиант таркибларни таклиф этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида аналитик кимё, визуал полимерик, изотермик, пикнометрик, термал, ИҚ-спектроскопик, рентгенли фазавий таҳлил усулларидан, шунингдек, эритмаларнинг қовушқоқлиги, рН кўрсаткичлари ҳамда нур синдириш кўрсаткичларини аниқлашда ВПЖ вискозиметри, METTLER TOLEDO FE 20/FG 2 рН метри ва PAL-BX/RI ATAGO рақамли рефрактометр ускуналарида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

натрий хлорат, карбамид, сульфат триэтаноламмоний, нитрат кислотасининг моно ва триэтаноламмонийли тузларидан иборат

системаларда компонентларни ўзаро эрувчанлиги ва «таркиб-хосса» диаграммалари яратилган;

системаларда учта янги бирикмаларнинг ҳосил бўлиш майдонлари концентрация ва ҳарорат оралиқларида чегараланиб, кимёвий, физик-кимёвий усуллар орқали мавжудлиги исботланган;

олинган «НитроДФ» дефолианти кимёвий ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида таркибида 38% NaClO_3 , 21% $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ва 3.4% Н-МЭА сақлаши аниқланган;

натрий хлорат монокарбамид, сульфат триэтаноламмоний, нитрат моно ва триэтаноламмонийлари асосида самарали дефолиантлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

натрий хлоратининг монокарбамиди ва нейтраллаш ёрдамида олинган нитрат моноэтаноламмоний ва сульфат триэтаноламмонийлар асосида янги физиологик фаолликка эга самарали дефолиантларни ишлаб чиқариш имконияти яратилган;

натрий хлорат монокарбамиди, нитрат моноэтаноламмоний ва сульфат триэтаноламмонийлар асосида янги таркибли дефолиант олиш жараёнининг моддий баланси, технологик схемаси ишлаб чиқилган;

«НитроДФ» дефолиантининг экологик-токсикологик тадқиқотлари ўтказилиб, препаратнинг хавфлилик бўйича IV синфга мансуб кам захарли дефолиант эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги замонавий таҳлил усулларида фойдаланиб тасдиқланган. Лаборатория тажрибалари натижалари катталаштирилган лаборатория, тажриба-саноат, шунингдек агрокимё ва токсикологик текширувлар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бора натрий хлорат, карбамид, сульфат триэтаноламмоний, нитрат моно- ва триэтаноламмонийлар иштирокидаги 9 та иккилик ва учлик мураккаб сув системаларида эритмаларнинг реологик хоссалари ҳамда эрувчанликларини ўрганиш давомида 3 та янги бирикма ҳосил бўлиши аниқланган бўлиб, олинган маълумотлар тузлар тизими график таҳлили йўналишида методологик-услубий ёндашувларни такомиллаштиришга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти натрий хлорат, карбамид, нитрат моноэтаноламмоний, сульфат триэтаноламмонийлар асосида самарали дефолиантларнинг янги таркибини, уларнинг олиш технологиясини ва ишлаб чиқаришнинг мақбул технологик меъёрларини, шунингдек, амалиётга жорий қилишда препаратларнинг ишчи эритмаларига қўйилган талаблар ҳамда уларни қўллашнинг зарурий иқлим ва техник шароитларини тақлиф этиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Натрий хлорат монокарбамиди, нитрат моноэтаноламмоний ва сульфат

триэтаноламмонийлардан физиологик фаол хоссага эга дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

натрий хлорат монокарбамиди ва сульфат триэтаноламмоний асосида олинган дефолиант Тошкент вилоятининг фермер хўжаликлари пахта далаларида амалиётга жорий этилган (ЎзР ҚХВнинг 2021 йил 28 сентябрдаги 02/025-3926-сон маълумотномаси). Натижада пахтанинг ўрта толали навларига препарат билан ишлов берилгандан кейин барглarning тўкилиши 89.4% ва кўсақларни очилиши 90.1 % бўлган, самарали дефолиация қилиш имконини берган;

натрий хлорат монокарбамиди ва нитрат моноэтаноламмонийлар асосидаги дефолиант Тошкент вилоятининг фермер хўжаликлари пахта далаларида амалиётга жорий этилган (ЎзР ҚХВнинг 2021 йил 28 сентябрдаги 02/025-3926-сон маълумотномаси). Натижада пахтанинг ўрта толали навларига препарат билан ишлов берилгандан кейин барглarning тўкилиши 88.6% ва кўсақларни очилиши 91.4 % бўлган, самарали дефолиация қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробация. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан, 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шу жумладан 1 та республика журналида, 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетли компьютер матнидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ




Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалар асослаб берилган, шунингдек, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ноорганик дефолиантлар ва физиологик фаол моддалар ҳақида умумий маълумотлар**» деб номланган биринчи бобида ўрганилган муаммо ҳолати бўйича илмий-техник адабиётлар маълумотлари шарҳи келтирилган. Ноорганик ва ноорганик-органик бирикмалар асосидаги дефолиантлар тавсифлари, шунингдек, натрий хлорат, карбамид,

этанолламинлар ва ноорганик кислоталар асосида физиологик фаолликка эга дефолиантлар олишни асословчи системаларнинг ўрганилганлик даражаси ҳақидаги маълумотларни таҳлили келтирилган. Чоп этилган ишларнинг танқидий таҳлили ва муҳокамаси асосида ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари шаклланди.

Диссертациянинг «Тадқиқот объектлари, кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объектлари (натрий хлорат, карбамид, сульфат триэтанолламмоний, нитрат кислотасининг моноэтанолламмоний ва триэтанолламмонийлари), тажрибаларни бажаришда фойдаланилган ускуналар ҳамда қўлланилган хом ашёлар ва олинган маҳсулотларнинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш учун ўтказилган кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

«Натрий хлоратининг монокарбамиди, нитрат моно- ва триэтанолламмоний, сульфат триэтанолламмонийлар асосидаги сувли системаларнинг политемик эрувчанлиги» деб номланган учинчи бобда натрий хлорат, карбамид, сульфат триэтанолламмоний ҳамда нитрат моно- ва триэтанолламмонийлар асосидаги сувли системаларининг тадқиқотлари келтирилган. Юқорида келтирилган компонентлар асосида янги физиологик фаолликка эга самарали дефолиантларни олишнинг физик-кимёвий асосларини ишлаб чиқиш учун, куйидаги системаларнинг эрувчанлиги ва қаттиқ фазалар табиати ўрганилди:




Уларнинг политемик эрувчанлик диаграммалари қурилди.

Натрий хлорати монокарбамидининг нитрат моноэтанолламмоний билан таъсирлашиш механизмини аниқлаш мақсадида, $\text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3 \cdot \text{H}_2\text{O}$ системаси визуал-политемик усулда, бинар системалар ва еттита ички кесимлар ёрдамида политемик эрувчанлиги тўлиқ музлаш ҳарорати (-49.6 °C) дан 50 °C гача бўлган ҳарорат оралиғида ўрганилди (1-жадвал).

Системада янги бирикма $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3$ ҳосил бўлиши аниқланди, у кимёвий ва физик-кимёвий усулларда таҳлил қилиниб мавжудлиги тасдиқланди. ИҚ-спектроскопик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, даслабки компонентлар ва ҳосил бўлган бирикманинг симметрик ҳамда ассиметрик тебранишларидаги фарқ янги бирикма $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3$ нинг индивидуаллигини тасдиқлайди (1-расм).

NaClO₃·CO(NH₂)₂ - NH₂C₂H₄OH·HNO₃ - H₂O
системасининг иккиламчи ва учламчи нукталари

Суюқ фаза таркиби, %			Кр. х., °C	Қаттиқ фаза
NaClO ₃ · CO(NH ₂) ₂	HNO ₃ · NH ₂ C ₂ H ₄ OH	H ₂ O		
61.2	-	38.8	-33.0	Муз + CO(NH ₂) ₂
53.6	9.2	37.2	-33.2	Бу ерда ҳам
45.4	22.2	32.4	-34.8	-//-
37.8	37.4	24.8	-38.2	-//-
34.0	50.0	16.0	-42.4	Муз + CO(NH ₂) ₂ + CO(NH ₂) ₂ ·HNO ₃ ·NH ₂ C ₂ H ₄ OH
29.0	47.4	23.6	-40.0	Муз + CO(NH ₂) ₂ · HNO ₃ ·NH ₂ C ₂ H ₄ OH
23.2	46.4	30.4	-37.6	Бу ерда ҳам
21.4	46.6	32.0	-37.0	-//-
12.5	52.6	34.9	-40.2	-//-
10.0	60.5	29.5	-49.6	Муз + CO(NH ₂) ₂ ·HNO ₃ ·NH ₂ C ₂ H ₄ OH + HNO ₃ ·NH ₂ C ₂ H ₄ OH
8.1	60.7	31.2	-48.2	Муз + HNO ₃ ·NH ₂ C ₂ H ₄ OH
-	61.2	38.8	-38.0	Бу ерда ҳам
11.8	70.5	17.7	-35.4	CO(NH ₂) ₂ ·HNO ₃ ·NH ₂ C ₂ H ₄ OH + HNO ₃ ·NH ₂ C ₂ H ₄ OH
14.7	74.2	11.1	-27.4	Бу ерда ҳам
21.2	79.3	0.5	-12.4	-//-
52.0	48.2	0.2	26.2	NaClO ₃ ·CO(NH ₂) ₂ + CO(NH ₂) ₂
52.4	38.0	9.6	26.8	Бу ерда ҳам
55.0	27.2	17.8	28.4	-//-
58.6	16.8	24.6	31.0	-//-
62.8	7.4	29.8	33.8	-//-
67.4	-	32.6	37.2	-//-




1-расм. ИҚ–спектроскопик таҳлиллар: 1 – нитрата моноэтаноламмин; 2 – карбамидонитратмоноэтаноламмоний.

$N(C_2H_4OH)_3 \cdot HNO_3 \cdot H_2O$ системасининг эрувчанлиги -19.0 дан 1.0 °C гача бўлган ҳарорат оралиғида ўрганилди. $N(C_2H_4OH)_3 \cdot HNO_3 \cdot H_2O$ бинар тизимининг эрувчанлик диаграммасида кристалланиш икки соҳаси яъни муз ва нитрат триэтаноллаамонийлар майдонларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Системанинг эвтектик нуқтаси -19.0 °C ҳароратда, система таркиби 81.75% $N(C_2H_4OH)_3 \cdot HNO_3$ ва 18.25% H_2O га тўғри келади.

$NaClO_3 \cdot CO(NH_2)_2 \cdot N(C_2H_4OH)_3 \cdot HNO_3 \cdot H_2O$ системаси -44.2 дан 60 °C гача бўлган ҳарорат оралиғида еттита ички кесимлар ёрдамида ўрганилди. Бинар системалар ва ички кесимлар асосида системанинг политемик эрувчанлик диаграммаси курилди. $NaClO_3 \cdot CO(NH_2)_2 \cdot N(C_2H_4OH)_3 \cdot HNO_3 \cdot H_2O$ системасининг фазавий диаграммасида муз, натрий хлоратининг монокарбамиди, карбамид ва нитрат триэтаноллаамонийларнинг кристалланиш майдонлари чегараланган. Ўрганилган система оддий эвтоник типга мансуб бўлиб, унинг компонентлари ўз индивидуаллагини ва физиологик фаоллигини сақлайди.

$NaClO_3 \cdot CO(NH_2)_2 \cdot H_2SO_4 \cdot N(C_2H_4OH)_3 \cdot H_2O$ системасининг политемик эрувчанлиги саккизта ички кесимлар ёрдамида ўрганилган. Бинар системалар ва ички кесимларнинг эрувчанлик политермалари асосида $NaClO_3 \cdot CO(NH_2)_2 \cdot H_2SO_4 \cdot N(C_2H_4OH)_3 \cdot H_2O$ системасининг эрувчанлигининг политемик диаграммаси -33.0 дан 70.0 °C гача ҳарорат оралиғида курилди (2-расм).

Системанинг эрувчанлик фазовий диаграммасида музнинг, $CO(NH_2)_2$, $NaClO_3 \cdot CO(NH_2)_2$, $H_2SO_4 \cdot N(C_2H_4OH)_3$ ва янги ҳосил бўлган бирикма $Na_2SO_4 \cdot N(C_2H_4ClO_3)_3$ кристалланиш майдонлар чегараланди. Ҳосил бўлган бирикма $Na_2SO_4 \cdot N(C_2H_4ClO_3)_3$ кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуларида текширилиб мавжудлиги тасдиқланди.



2-расм. $\text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ - $\text{H}_2\text{SO}_4 \cdot \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3$ - H_2O системасининг политемик эрувчанлик диаграммаси.


Системада ҳосил бўлган янги бирикма $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{ClO}_3)_3$ нинг мавжудлигини тасдиқлаш учун бирикманинг кристалларини тахмин қилинган кристалланиш соҳасидан ажратиб олиниб, уларни кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида тадқиқ қилинди. Кимёвий таҳлил қуйидаги натижаларни берди:

топилган масс. %: Na^+ -5.3; SO_4^{2-} -19.57; N -2.85; C -14.68; ClO_3^- -51.07.

ҳисобланган масс. %: Na^+ -5.27; SO_4^{2-} -19.37; N -2.8; C -14.65; ClO_3^- -51.61.

Бирикма сувда жуда яхши эрийди. -10 ва 0 °C да у мос равишда 54.3 ва 72.4% эрийди. У органик эритувчиларда-этил спиртида яхши эрийди, толуол ва хлороформда эримайди ва ацетонда эритилганда бирикмадаги ортиқча триэтанолламин ювилади ва бирикма соф оқ кристалл ҳолатда қолади. Ҳосил бўлган бирикмани соф ҳолда олиш учун ацетондан ювувчи восита сифатида фойдаланиш мумкинлиги маълум бўлди.

Сулфат триэтанолламмоний ва янги бирикманинг ИҚ-спектроскопик таҳлиллари ажратиб олинган янги бирикма таркибидаги фарқларни аниқлаш мақсадида ўрганилди (3-расм).



**3-расм. ИҚ-спектроскопик таҳлиллар: 1 – сульфат триэтаноламмин;
2 – триэтилхлороратамин натрий сульфат.**

Сульфат триэтаноламмонийнинг NH ва OH боғлари оралигида чўзиш тебранишларининг бир неча частоталари мавжуд. Водород боғланиш билан боғланган сульфат триэтаноламминнинг юқори частотали чўзиш тебранишлари 3258 см^{-1} га, максимал 1053 см^{-1} частотали тебраниш N-H боғларининг тебранишларига тўғри келади. 2887 см^{-1} диапазони CH_2 боғларининг тебранишлари чўзилиши билан боғлиқ. 606 ва 419 см^{-1} гача бўлган диапазон SO_4 тебранишларига тегишли.

Бирикманинг ИҚ-спектроскопик таҳлилларда сульфат триэтаноламмонийнинг OH гуруҳининг чўзиш тебранишлари йўқолган. $\nu_{\text{as}}(\text{ClO}_3)$ ва $\nu_{\text{s}}(\text{ClO}_3)$ тебранишларининг частоталари 974 ва 914 см^{-1} да кузатилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, сульфат триэтаноламмонийнинг OH гуруҳи ClO_3^- ионлари билан алмаштирилади. Янги бирикмада 2360 см^{-1} диапазонлар CH_2 боғларининг чўзиш тебранишларига ҳам, 1124 см^{-1} тасмалар N-H боғларининг чўзиш тебранишларига мос келади. 617 ва 499 см^{-1} гача бўлган диапазон SO_4 гуруҳининг ассиметрик ва симметрик чўзиш тебранишларига тегишли. Шундай қилиб, OH чизиқларининг чўзиш тебранишлари бирикманинг ютилиш спектрлари худудида ғойиб бўлди, шу билан бирга бирикмада $\nu_{\text{as}}(\text{ClO}_3)$ ва $\nu_{\text{s}}(\text{ClO}_3)$ ионларининг тебранишлари кузатилди.

Натрий хлорат, нитрат моноэтаноламмоний ва сув системаси еттита ички кесимлар ёрдамида ўрганилган. Улардан тўрттаси $\text{HNO}_3 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ томонидан NaClO_3 бурчаги томонга ва учтаси $\text{NaClO}_3 \cdot \text{H}_2\text{O}$ томонидан $\text{HNO}_3 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ бурчаги томонига қараб ўрганиб борилган. Системада янги кимёвий бирикма ҳосил бўлмаслиги, компонентлар ўзининг

индивидуаллигини ва физиологик фаоллигини сақлаб қолади. Ўрганилган система оддий эвтоник типга мансуб.


Бинар системалар ва ички кесимларнинг эрувчанлик политермалари асосида $\text{NaClO}_3\text{-HNO}_3\text{-N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3\text{-H}_2\text{O}$ системасининг политермик эрувчанлиги -48.2 дан 70.0 °C гача бўлган харорат оралиғида ўрганилди. Система политермик эрувчанлигининг фазавий диаграммасида муз, натрий хлорат ва нитрат триэтаноламмонийлар кристалланиш майдонлари чегараланган Система оддий эвтоник типга мансуб бўлиб, унда янги бирикма ҳосил бўлмаслиги аниқланди.

$\text{NaClO}_3\text{-H}_2\text{SO}_4\text{-N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3\text{-H}_2\text{O}$ системасида эрувчанлик еттита ички кесимлар ёрдамида ўрганилди. Улардан I-IV кесимлар $\text{H}_2\text{SO}_4\text{-N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3\text{-H}_2\text{O}$ томонидан NaClO_3 бурчаги томонига, V-VII кесимлари эса $\text{NaClO}_3\text{-H}_2\text{O}$ томонидан $\text{H}_2\text{SO}_4\text{-N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3$ бурчагига қараб ўрганилган. Бинар системалар эрувчанлигининг политермалари ва ички кесимлар асосида $\text{NaClO}_3\text{-H}_2\text{SO}_4\text{-N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3\text{-H}_2\text{O}$ системаси эрувчанлик диаграммаси -28.5 дан 70 °C гача бўлган харорат оралиғида қурилди.

Натрий хлорат, сульфат триэтаноламмоний ва сув системаси мураккаб эвтоник типга мансуб. Унда таркибнинг янги бирикмаси $\text{Na}_2\text{SO}_4\text{-N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{ClO}_3)_3$ ҳосил бўлиши кузатилади.

Диссертациянинг «**Натрий хлоратининг монокарбамиди, нитрат моно- ва триэтаноламмоний, сульфат триэтаноламмонийлар асосида самарали дефолиант олиш жараёнини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида натрий хлорат, карбамид, сульфат кислотасининг триэтаноламмонийли, нитрат кислотасининг моно- ва триэтаноламмонийли тузларидан иборат системаларнинг «таркиб-хосса»лари ўрганишнинг тадқиқот натижалари келтирилган. $[60\% \text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 40\% \text{H}_2\text{O}] - \text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3$, $[60\% \text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 40\% \text{H}_2\text{O}] - \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3 \cdot \text{HNO}_3$, $[60\% \text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 40\% \text{H}_2\text{O}] - \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3 \cdot \text{H}_2\text{SO}_4$, $[45\% \text{NaClO}_3 + 55\% \text{H}_2\text{O}] - \text{HNO}_3 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$, $[45\% \text{NaClO}_3 + 55\% \text{H}_2\text{O}] - \text{HNO}_3 \cdot \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3$, $45\% \text{NaClO}_3 + 55\% \text{H}_2\text{O}] - \text{H}_2\text{SO}_4 \cdot \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3$ системаларнинг физик-кимёвий ва реологик хоссалари ўрганилган, олинган натижалар асосида системаларнинг «таркиб-хосса» диаграммалари қурилган. Тадқиқот натижалари асосида натрий хлорат монокарбамид, нитрат моноэтаноламмоний ва сульфат триэтаноламмонийлар асосида дефолиантлар олишнинг принципиал технологик схемаси қурилган. Таклиф этилган дефолиантлар олишнинг моддий баланси ва технологик жараёнлар батафсил ёритилган.

Натрий хлорат монокарбамид ва нитрат моноэтаноламмоний асосида дефолиант олиш жараёнини асослаш мақсадида $[60\% \text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 40\% \text{H}_2\text{O}] - \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3$ системаси компонентларининг эрувчанлиги ва физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилган. $[60\% \text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 40\% \text{H}_2\text{O}]$ га $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3$ нинг тўйинган эритмасидан қўшиб системанинг эрувчанлик, зичлик, қовушқоқлик ва pH қийматларидаги ўзгаришлар ўрганилди, олинган натижалар асосида системанинг «таркиб-хосса» диаграммаси қурилган (4-расм).



4-расм. [60% NaClO₃·CO(NH₂)₂ + 40% H₂O] - NH₂C₂H₄OH·HNO₃ системасининг «таркиб-хосса» диаграммаси 25 °С даги, 1-кристалланиш харорати; 2-қовушқоқлик; 3-зичлик; 4-мухитнинг рН қиймати.

Натрий хлорат монокарбамид ва нитрат триэтаноламмонийлар асосида дефолиант олиш жараёнининг физик-кимёвий асосларини ўрнатиш мақсадида [60%NaClO₃·CO(NH₂)₂+40%Н₂O]-N(C₂H₄OH)₃·HNO₃ системаси реологик хоссалари ўрганилди. Система эрувчанлик, зичлик, қовушқоқлик, рН ва нур синдириш кўрсаткичларини аниқлаш усули билан ўрганилди, натижалар 2-жадвалда келтирилган.


2-жадвал

[60%NaClO₃·CO(NH₂)₂+40%Н₂O]-N(C₂H₄OH)₃·HNO₃ системасининг физик-кимёвий ва реологик хоссалари

Компонентлар таркиби, %		Кристалланиш харорати, °С	Зичлик, d, г/см ³	Қовушқоқлик, η, мм ² /с	рН	Нур синдириш кўрсаткичи, n	Қаттиқ фаза
60%NaClO ₃ ·CO(NH ₂) ₂ + 40%Н ₂ O	NH(C ₂ H ₄ OH) ₃ ·HNO ₃						
100	-	13.0	1.425	1.82	6.01	1.4153	Муз + CO(NH ₂) ₂
93.3	6.7	9.2	1.422	1.94	6.02	1.4172	Бу ерда ҳам
85.2	14.8	4.5	1.412	2.06	6.02	1.4206	-/-
79.0	21.0	0	1.402	2.25	6.03	1.4232	-/-
73.5	26.5	-3.0	1.392	2.44	6.03	1.4252	-/-
68.1	31.9	-6.5	1.383	2.56	6.04	1.4274	-/-

61.6	38.4	-11.0	1.372	2.84	6.04	1.4308	-//-
56.6	43.4	-14.0	1.363	3.11	6.05	1.4357	-//-
50.7	49.3	-18.5	1.354	3.48	6.05	1.4353	-//-
45.0	55.0	-22.0	1.345	3.77	6.06	1.4370	-//-
40.0	60.0	-25.5	1.348	4.03	6.07	1.4397	-//-
26.6	73.4	-35.4	1.332	4.38	6.07	1.4415	CO(NH ₂) ₂ + N(C ₂ H ₄ OH) ₃ ·HNO ₃
-	100	1.0	1.292	6.59	6.08	1.4525	Бу ерда ҳам

Натрий хлорат монокарбамид ва сульфат триэтаноламмонийлар асосида дефолиант олиш жараёнини асослаш мақсадида [60% NaClO₃·CO(NH₂)₂+40% H₂O]-H₂SO₄·N(C₂H₄OH)₃ системасининг реологик хоссалари ўрганилди (5-расм).




5-расм. [60% NaClO₃·CO(NH₂)₂ + 40% H₂O] - H₂SO₄·N(C₂H₄OH)₃ системасининг 25 °C даги «таркиб-хосса» диаграммаси. 1-мухитнинг рН қиймати; 2-нур синдириш кўрсаткичи; 3-қовушқоқлик; 4-зичлик; 5-кристалланиш ҳарорат.

Ўрганилаётган системада сульфат триэтаноламмоний концентрациясининг ортиб бориши билан эритманинг кристалланиш ҳарорати, рН қиймати, зичлигининг пасайиши ва нур синдириш кўрсаткичи, қовушқоқлик ортиши кузатилди. Диаграммадан кўринадикки сульфат триэтаноламмонийнинг концентрацияси 0.75%га етганда системанинг барча кўрсаткичларида ўзгариш кузатилди, кристалланиш ҳарорати, рН қиймати, зичликни ифодаловчи чизиқларнинг синиши, таркибнинг янги бирикмаси Na₂SO₄·N(C₂H₄ClO₃)₃ ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Эритмада бирикма ҳосил бўла бошлаши билан, эритма тиниқлигини йўқотади ва у қиздирилганда қуюқ оқ массага айланади.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари асосида натрий хлорат, карбамид, нитрат моноэтаноламмоний ва сульфат триэтаноламмонийлар асосида самарали таъсир этувчи дефолиантларни олишнинг принципиал технологик схемаси таклиф қилинди (6-расм).

Сууюк дефолиант ишлаб чиқариш натрий хлорати монокарбамидининг 60% эритмаси ёрдамида амалга оширилади, сўнгра унга нитрат моноэтаноламмоний ёки сульфат триэтаноламмоний қўшилади. Асосий технологик жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

- моноэтаноламинни нитрат кислота ёрдамида 1:1 нисбатда ёки триэтаноламинни сульфат кислота билан 1.5:1 нисбатда олиб нейтраллаш;
- натрий хлорат 38.38% ли эритмасини тайёрлаш;
- унда карбамидни эритиш асосида натрий хлорат монокарбамидининг 60%ли сувли эритмасини тайёрлаш;
- натрий хлорат монокарбамидининг 60%ли сувли эритмасига нитрат моноэтаноламмоний ёки сульфат триэтаноламмоний қўшиш ва бир жинсли эритма ҳосил қилиш;
- олинган тайёр сууюк дефолиантни жойлаш ва қадоқлаш.



6-расм. Натрий хлорати монокарбамиди ва нитрат моноэтаноламмоний ёки сульфат триэтаноламмоний асосида физиологик фаолликка эга дефолиантлар олишнинг принципитал технологик схемаси: 1,7,22,28 - сақловчилар; 2,4,8,10,12,20,23,25,29,31 - вентиллар; 3,9,24,30,34 - марказдан қочма насослар; 5,11,26,32 - сарф ўлчагичлар; 6,27 - аралаштиргич-реакторлар; 13,35 - совутгичлар; 14,36 – оралик сақловчилар; 15 - реактор; 16,18- бункер; 17,19- лентали ўлчов дозатори; идиш; 21 – қадоқловчи қурилма.

Таклиф этилган технология асосида «Фарғонаазот» АЖнинг саноат тажриба қурилмасида 200 кг дефолиант намуналари ишлаб чиқарилган. Олинган «НитроДЕФ» дефолиантининг физик-кимёвий кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

«НитроДЕФ» дефолиантнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткичларнинг номланиши	Нормалари
Ташқи кўриниши	Сарғиш тусли тиниқ эритма
Натрий хлоратининг масса улуши, (%)	37.0-38.18

Карбамид масса улуши, (%)	21.0-21.55
Моноэтаноламмин масса улуши, (%)	1.65-1.67
Нитрат кислота масса улуши, (%)	1.70-1.73
Сув масса улуши, (%)	39.8
рН среды	6.7-6.8
Зичлик, кг/м ³	1362.0
Кристалланиш ҳарорати, (°C)	-30.0

Диссертациянинг «Таклиф этилаётган дефолиантларнинг агрокимёвий самарадорлиги ва уларни токсикологик баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида таклиф этилган дефолиантларнинг агрокимёвий самарадорлиги ва токсикологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Олинган дефолиантларнинг дефолиациялаш фаоллигини агрокимёвий синовлари 2018-2021 йилларда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани, «Бектемирнурагро» фермер хўжалигида ўрта толали «Наманган-77» пахта навида ҳамда «Асадбек орзуфайз» фермер хўжалигида «Порлок» пахта навларининг кичик ва катта ғўза майдонларида ўтказилди.

Препаратларнинг кичик майдонлардаги тажрибалар ҳажми 36 м² бўлган участкаларда ва умумий майдони 12 гектардан ортиқ бўлган ғўза майдонларида тажриба ишлаб чиқариш шароитида ҳам уч мартта қайта сепиш орқали олиб борилган.

Ишлаб чиқариш тажрибалари ва ғўзанинг дефолиациядан кейинги ҳолатини фенологик кузатув натижалари шуни кўрсатадики, янги физиологик фаолликка эга «НитроДФ» дефолианти «Наманган-77» пахта навининг баргларида самарали таъсир қилади ва 6.8 л/га сарф миқдорида 6-чи ва 12-чи кунларда мос равишда 74.0 ва 90.45% баргларнинг тўкилишига олиб келади. Шу билан бирга, кўсакларнинг очилиши мос равишда 78.6 ва 90.11%.

Шунингдек, «Порлок» пахта навида ҳам «НитроДФ» дефолианти самарали таъсири кузатилган. Дефолиантнинг 6.8 л/га сарф миқдорида 6-чи ва 12-чи кунларда мос равишда 86.19 ва 99.3% баргларнинг тўкилишига олиб келади. Шу билан бирга, кўсакларнинг очилиши мос равишда 83.91 ва 90.1% ни ташкил этган. Ушбу препарат билан пахта ўсимликларига ишлов берилганда пахта баргларининг ўртача қуриши кузатилади. Кўсакларнинг қуйиши ва иккиламчи ўсиш кузатилмайди.

«НитроДФ» дефолиантининг токсиколого-гигиеник хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти ходимлари билан биргаликда амалга оширилди. Олиб борилган токсикологик тадқиқотлар тадқиқот натижалари «НитроДФ» дефолианти IV синф кам захарли препаратлар турига мансуб эканлигини тасдиқлаган.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажариш жараёнида олинган асосий илмий ва амалий натижалар:

1. Натрий хлорат, карбамид, сульфат триэтаноламмоний, нитрат кислотасининг моно ва триэтаноламмонийли тузларидан иборат учламчи системаларда компонентларни ўзаро эрувчанлиги ва каттик фазаларни хусусиятлари тўғрисида янги маълумотлар келтирилган.

2. Янги бирикмаларнинг ҳосил бўлиш майдонлари концентрация ва ҳарорат оралиғида аниқланди, кимёвий, физик-кимёвий усулларда таҳлил қилиниб, мавжудлиги тасдиқланди. Ушбу системаларни ўрганиш натижасида физиологик фаолликка эга, самарали, хлорат тутган янги ғўза дефолиантлар олишни илмий асослаш учун хизмат қилади.

3. Физиологик фаол модда тутган янги дефолиантлар олиш жараёнини асослаш мақсадида қуйидаги $[60\% \text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 40\% \text{H}_2\text{O}] - \text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3$, $[60\% \text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 40\% \text{H}_2\text{O}] - \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3 \cdot \text{HNO}_3$, $[60\% \text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 40\% \text{H}_2\text{O}] - \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3 \cdot \text{H}_2\text{SO}_4$, $[45\% \text{NaClO}_3 + 55\% \text{H}_2\text{O}] - \text{HNO}_3 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$, $[45\% \text{NaClO}_3 + 55\% \text{H}_2\text{O}] - \text{HNO}_3 \cdot \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3$, $[45\% \text{NaClO}_3 + 55\% \text{H}_2\text{O}] - \text{H}_2\text{SO}_4 \cdot \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3$ системаларнинг «таркиб-хосса»лари ўрганилди, диаграммалари қурилди.

4. Натрий хлорат, карбамид, нитрат моноэтаноламмоний ва сульфат триэтаноламмоний асосида самарали дефолиантларни олиш технологияси, технологик меъёрлари ишлаб чиқилди, 1 тонна дефолиант олишнинг моддий баланси ва таннари ҳисобланди. Таклиф этилган технология катталаштирилган лаборатория шараоитида ва «Farg'onaazot» АЖнинг тажриба-саноат қурилмасида синовдан ўтказилди ва дефолиантларнинг тажриба намуналарини ишлаб чиқарилди.

5. Олинган «НитроДФ» дефолиантининг таркиби кимёвий ва физик-кимёвий усулларда таҳлил қилинган, унга кўра «НитроДФ» препарати таркибида 38% NaClO_3 , 21% $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ва 3.4% $\text{H}_2\text{NC}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3$ сақлаши аниқланади.

6. «НитроДФ» дефолиантининг экологик-токсикологик тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги «Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти» билан ҳамкорликда ўтказилди ва препарат кам захарли дефолиант эканлиги, хавфлилик бўйича IV синфга мансуб эканлиги кузатилди.

7. Таклиф этилган дефолиантлар агрокимёвий синовлардан ўтказилганда суюқ ХМДга нисбатан ғўзага самарали таъсир этиб, кўсақлар очилишини жадаллаштирувчи физиологик фаолликни намоён қилди. Дефолиациянинг 12 кунда баргларнинг тўкилиши 88.6% дан кўпроқни ва кўсақлар очилиши эса 89.6-91.4% ни ташкил этди. Синов натижаларига кўра, янги препаратлардан фойдаланилганда уларнинг ўсимликларга юмшоқ таъсири ва кўсақларнинг етилиш ва очилиш жараёнларининг тезлашиши эвазига пахта хомашёсининг умумий ҳосили 1.8-2.0 ц/га ошиши тасдиқланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

СИДИКОВ АБДУЛАЗИЗ АБДУМАНОП УГЛИ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ ДЕФОЛИАНТОВ НА
ОСНОВЕ ХЛОРАТА НАТРИЯ, КАРБАМИДА, НИТРАТА
МОНОЭТАНОЛАММОНИЯ, СУЛЬФАТА И НИТРАТА
ТРИЭТАНОЛАММОНИЯ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2021.4.PhD/T2459. Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель:

Тогашаров Ахат Салимович
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Мирзакулов Холтура Чориевич
доктор технических наук, профессор

Исабаев Зикрилла
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита состоится «27» январь 2022 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc 02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 1, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «13» январь 2022 года
(реестр протокола рассылки № 1 от «13» январь 2022 года.



Б.С. Закиров
Председатель научного
совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н., проф.

Д.С. Салиханова
Ученый секретарь научного
совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., проф.

Ш.С. Намазов
Председатель Научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., академик

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире рациональное использование химикатов является ключевым фактором в производстве высококачественных и высокоурожайных сельскохозяйственных культур. По этой причине химические вещества, такие как минеральные удобрения, стимуляторы микроэлементов и дефолианты, становятся неотъемлемой частью сельского хозяйства. Использование дефолиантов в хлопководстве приводит к раннему началу периода сбора урожая, в результате которого урожай собирается в сжатых сроках. В этом аспекте, важное значение имеет производство эффективных дефолиантов.

В мировом масштабе с целью повышения качества и урожайности сельскохозяйственных культур проводятся научные исследования по применению физиологически активных веществ при химической обработке сельскохозяйственных культур, а также при дефолиации хлопчатников. В этой связи улучшая циркуляцию воздуха между рядами хлопчатника за счет искусственного опадания листьев, эффективно ускоряя раскрытие созревших коробочек до наступления холодов, способствующих подготовить поле к уборке и повысить объем сбора урожая, на определению состава новых дефолиантов обладающие физиологической активностью и высокой эффективностью уделяется особое внимание.

В республике результате модернизации и диверсификации производственных предприятий достигаются научные и практические результаты во внедрении ряда инновационных технологий, разработке технологий производства экспортно-ориентированной, конкурентоспособной продукции, в том числе дефолиантов, минеральных удобрений и семян. протекторы и их обеспечение в сельском хозяйстве. В третьем направлении стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на последовательное «...развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистых продуктов, существенное повышение экспортного потенциала аграрного сектора...»². В связи с этим важно разработать в промышленности технологию получения эффективных дефолиантов с низкой токсичностью и физиологической активностью на основе хлората натрия, карбамида и физиологически активных веществ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2017 года ПП-3236 «О программе развития химической промышленности на 2017-2021», 25 октября 2018 г. № ПП-3983

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

«О мерах по ускорению развития химической промышленности Республики Узбекистан» и 3 апреля 2019 г. № ПП-4265 «О мерах по дальнейшее реформирование химической промышленности и повышение инвестиционной привлекательности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В литературе широко освещен ряд материалов по производству и применению органических и неорганических дефолиантов сельскохозяйственных культур. Основные химические и физико-химические аспекты проблемы разработки дефолиантов были решены мировыми учеными Jaums Cost, Loston Rowe, J. Dan Smit, Ch.S. Wulyams, J.C. Suttle, F.R.H. Katterman, W.C. Hall, L.C. Brown, C.L. Rhyne, Yo Gan и учеными Республики, создавшими настоящие научные школы химии и технологии неорганических веществ: М.Н. Набиев, С. Тўхтаев, Б.М. Беглов, Б.С.Зокиров, Ш.С. Намозов, Х. Кучаров, А.У. Эркаев, С.М. Тожиев, З. Исабаев и др.

Биологические, агрохимические и токсикологические аспекты решения проблемы дефолиации освещены в работах А.И. Имамалиев, А. Умаров, Т. Закиров, А. Пругалов, Н. Мельников, Л. Стонов, К. Овчаров, Н.Ф. Зубкова, Ш.Ю. Тешаев, Ф. Тешаев, Т. Искандаров, Л. Романов, Г. Искандарова и других ученых.

Следует отметить, что в исследовательских работах вышеуказанных ученых поиске по созданию технологии получения новых эффективных дефолиантов на основе хлората натрия, карбамида и сульфата триэтаноламмония, нитрата моно- и триэтаноламмония, до настоящего времени не проводились. В настоящей диссертационной работе решена проблема получения дефолиантов обладающих физиологической активностью, эффективным действием, и их применения для ускорения созревания коробочек в хлопководстве и сокращения сроков уборки урожая.

Связь темы диссертационной работы с научно-исследовательскими работами, где выполнена диссертация. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Института общей и неорганической химии по прикладных проектов: И-ФА-2017-7-2 «Опыт-промышленное производство многофункционального дефолианта на основе местного сырья, обладающего дефолирующей, питательной активностью, ускоряющей созревание и открывание коробочек хлопчатника» и ПЗ-20170926386 «Разработка состава и технологии получения хлоратсодержащих дефолиантов, ускоряющих созревание урожая сельскохозяйственных культур и обладающих многофункциональным действием».

Целью исследования является разработка технологии синтеза и получения новых эффективных дефолиантов с физиологической активностью на основе монокарбамида хлората натрия, триэтаноламмония сульфата, моно- и триэтаноламмониевых солей азотной кислоты.

Задачи исследования:

изучение взаимной растворимости и реологических свойств растворов водных систем, состоящих из хлората натрия, карбамида, сульфата триэтаноламмония, моно- и триэтаноламмониевых солей азотной кислоты в широком диапазоне температур и концентраций;

определение диапазонов температур и концентрации образования новых твердых фаз, их состава и подтверждение их существования;

построение диаграмм растворимости и «состав-свойств» систем на основе хлората натрия, карбамида, сульфата триэтаноламмония, моно- и триэтаноламмониевых солей азотной кислоты, обосновывающих процесс получения новых дефолиантов;

